

**Хамилжон ЎТАНОВ**

**ОТАМ  
ХОТИРАСИГА**

*(Шеърлар, тўртликлар)*

«Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ.  
2008

34(55)6-5


Адабий – бадиий нашр.

«Отам хотирасига». Шеърлар, тўртликлар. 32 бет

10 34693  
091

Мазкур тўпламдан ижодкор журналист Ҳамиджон Ўтановнинг сўнгги йилларда битилган шеър ва тўртликлари жой олган. Улаф содда, ҳалқона тил ва үслубда битилган бўлиб, шеърият муҳлисларига манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

ISBN 978-9943-331-18-1



© Ҳамиджон Ўтанов, 2008.  
© «Andijon nashriyot-matbaasi»  
ОАЖ, 2008.

## **ОНА СОГИНИБ КУТАДИ**

Дўстинг сендан нима кутади?

Ёринг сендан нима кутади?

Шогирдингчи, ўйлаб кўрдингми?

Болаларинг нима кутади?

Билки ҳамма манфаат кутади,  
Фақат меҳрибон, ёлғизинг онанг,  
Қувончлар-ла кўп согиниб кутади,  
Қўлида борини тутади...

\* \* \*

## **УМР ЎТМОҚДА**

“Кенжা қизинг онангга ўхшайди”, дейишади,  
Онажон Сизни ўн уч йилдан буён кўрмайман.  
Ғам, алам, согинч менга тинчлик бермайди,  
Қўришамиэми қиёматда, шуни ўйлайман.

Ўн уч йил ҳаётда қолдирди яхши-ёмон из,  
Ғафлатда қолдириб отам ҳам дунёни тарқ этди.  
Онажон туну кун ҳамиша ҳаёлимда сиз,  
Согинч, ўкинч, умид билан ҳаётим ўтди.

Ҳаётда қоқилдим, хато қилдим, нодонлар кўп,  
Хато қилишимни кутиб устимдан кулди.  
Сизни согиндим, оҳ онажон, ташвишларим кўп,  
Умрим ўтмоқда: ғам билан қувонч олишади.

## **ОТАМ ХОТИРАСИГА**

Ҳар сүзи тиллога teng отажоним,  
Шириң сүзим, қадрдоним отажоним.  
Сиздан башқа йўқдир бир меҳрибоним,  
Отажоним, жонажоним йўқ бугун.

Дийдорингизга тўйиб боқай десам,  
Қалбимдаги дардимни айтай десам,  
Сизни тополмасман бошимни тошларга урсам,  
Отажоним, жонажоним йўқ бугун.

Дўстим деганлар мени сотди-ку, ох,  
Ғанимим ошкора тош отди-ку, ох,  
Бу зил тошлар кўксимга ботди-ку, ох,  
Отажоним, жонажоним йўқ бугун.

Ёшлигим ортда қолди, кексайдим мен,  
Болам дедим, оиласам дедим, хоридим мен,  
Бугун хаста кўнгил, бечораман мен,  
Отажоним, жонажоним йўқ бугун.

## **ЯХШИЛАР**

Кийимим янги бўлмаса ҳам,  
Қўлим ёлчиб пул кўрмаса ҳам,  
Кўчамда байрам бўлмаса ҳам,  
Одамлар назаридан қолмай.

Аҳмоқ устимдан кулса, кулсин,  
Душманим кўп, ўлимим кутсин.  
Дарду алам бошимга етсин,  
Одамлар назаридан қолмай.

Омад мендан юз ўгирса хўп,  
Жоним роҳатда ўтмаса хўп.  
Бу дунёда яхшилар кўп,  
Яхшилар назаридан қолмай.

## ЭЙ, ГУМРОХ!

Қорани оқ, оқни қора дейсан,  
Ҳалол қолиб, ҳаромни ейсан.  
Пасткашни мақташ сенинг шиоринг,  
Ҳаром ботқөкқа қурилган уйсан.

Салом берсалар алик олмайсан,  
Арзларига ҳеч қулоқ солмайсан.  
Ҳаволанған бурнинг осмонда-я,  
Гүё дунё сеники, ўлмайсан.

Ахилликни сен ҳеч кўролмадинг,  
Бахилликни сен ҳеч кўёлмадинг.  
Бегуноҳларни гуноҳкор қилиб,  
Ёмонни ёмонсан деёлмадинг.

Қўл остингдагиларни ранжитарсан,  
"Катта" ларга таъзимлар қиласан.  
Ҳаром-ҳалолни билмаган нодон,  
Бир кун разолат ботқоғига ботасан.

Кеча-кундуз тинмай шароб ичдинг,  
Гуноҳ билан доим бирга ётдинг.  
Охиратни ўйламай, эй гумроҳ,  
Ҳатто билинтирмай дўстингни сотдинг.



## **МАККОРА АЁЛ**

Яхшиликни право кўрмайди,  
Ваъдасига вафо қилмайди,  
Фақат ўз тинчини ўйлайди,  
Вафоси йўқ, маккора аёл.

Қўли эгри, бежо турар,  
Одамларга қиласар кўп зарар,  
Доим хасад билан юрар,  
Вафоси йўқ, маккора аёл.

Шайтонга ҳам дарс беради,  
Инсонлардан меҳрин аяди,  
Эҳсон деса жони чиқади,  
Вафоси йўқ, маккора аёл.

Жаҳли чиқса дод солади,  
Ҳар қаёққа от солади,  
Юрагингга бод солади,  
Вафоси йўқ, маккора аёл.

Эзгуликни кўролмайди,  
Чин дилдан ҳеч кулолмайди,  
Тўғри йўлдан юролмайди,  
Вафоси йўқ, маккора аёл.

## **ИМОНИ ЙҮҚ ОДАМЛАР**

Шайтонга дүст одамлар,  
Ароқ ичиб одимлар.  
Улфатлари "мадам"лар,  
Имони йүқ одамлар.

Түгри сүзни билмайды,  
Назарига илмайды.  
Арзга қулоқ солмайды,  
Имони йүқ одамлар.

Бундай одам биттамас,  
Яхшига ҳеч үхшамас.  
Ёмонликдан тұхтамас,  
Имони йүқ одамлар.

Жанозага бормайды,  
Маракадан қолмайды.  
Қорни сира түймайды,  
Имони йүқ одамлар.

Доим иғво түқийди,  
Яна намоз үқийди.  
Жонингни хүп қийнайды,  
Имони йүқ одамлар.

## ЁМОН БИЛАН ЮРСАНГ...

Бахри-дилинг очилмайди,  
Яхши дўстлар топилмайди,  
Ота-онанг рози бўлмас,  
Ёмонларга ошно бўлсанг.

Галингдан ҳато толади,  
Яхши ишингни ёпади,  
Гўрингга тошлар отади.  
Ёмонларга ошно бўлсанг.

Ёмонликни рано кўради,  
Йиқилсанг-да кулиб туради,  
Бир кун сенга-да тошлар отади,  
Ёмонларга ошно бўлсанг.

Ҳамид балога қолмагин,  
Худодан жазо олмагин,  
Қуруқ тухматга қолмагин,  
Ёмонларга ошно бўлсанг.

## **ФАРЗАНДСИЗЛИК ҲАММАДАН ЁМОН**

*(Тирноққа зор отанинг армони)*

Умр ўтди, ёшим ҳам бир жойда,  
Осмон қадар орзуларим ҳаёлимда  
Бечораман, жойим менинг пойгакда,  
Фарзандсизлик оғир экан жуда.

Тўйга борсам бошим кўтаролмасман,  
Юзим сўлгин, хаста каби ўтираман.  
Қачон мен ҳам элга дастурхон ёзаман,  
Фарзандсизлик оғир экан жуда.

Ўлсам чироғимни ким ёқади,  
Минг афсус, умр сувдек оқади.  
Мендек хаста дил кимга ёқади,  
Фарзандсизлик оғир экан жуда.

Беками кўстнинг армони борми?  
Мендек бечора дунёда борми?  
Ўғил-қизи йўқ шунчалар хорми?  
Фарзандсизлик оғир экан жуда.

Ёшым ўтиб бормоқда, қаридим,  
Фарзанд кута-кута хоридим.  
Бир қаламқошнинг сўйгани эдим,  
Фарзандсизлик оғир экан жуда.

Кишининг солиҳ фарзанди бўлсин,  
Кўзининг нури, дилбанди бўлсин.  
Фарзандсиз дунёда қандайин юрсин,  
Фарзандсизлик оғир экан жуда.

Эй Оллоҳ! Бу нима кўргулик?!  
Фарибга бўлди-ку, бўлгулик.  
Ўлсам, фарзандим йўқ отам дегулик,  
Фарзандсизлик оғир экан жуда.

Мен севган ёргинам хор бўлди-ку,  
Биргина тирноқقا зор бўлди-ку.  
Кенг дунё биз учун тор бўлди-ку,  
Фарзандсизлик оғир экан жуда.

## ТОЗАГУЛЖОН ЙИГЛАМА

Тозагулжон йиглама,  
Үз жонингни қийнама.  
Дадам йўқ деб қизгинам,  
Жийдамозор бўйлама.

Тозагулжон, Тозагул,  
Фам-аламдан сўйлама.  
Сенга дугона булбул,  
Тозагулжон йиглама.

Тозагулжон йиглама,  
Мозоримга бўйлама.  
Йиглаб сенга шерикдир,  
Осмондаги оймома.

Тозагулжон, Тозагул,  
Юрагимни тиғлама.  
Софинганда дадангни,  
Жудоликни ўйлама.

Бахти кунлар келади,  
Қалбинг нурга тўлади.  
Бахтинг бир кун кулади,  
Тозагулжон йиглама.

## ҚАЙНОНА (Хазил)

Султон она қайнона,  
Юришлари мастона.  
Келинлари зир титрар,  
Үйида султон она.

Султон она бевадир,  
Атлас күйлак киядир.  
Келинларга паст күйлак  
Фақат ўзин суюдир.

Султон она қаттиққүл,  
Яхшиликка йўқдир йўл.  
Келинлари бағри қон,  
Кечалари ёстиқ хўл.

Келинларни қийнайди,  
Ўзи танҳо ўйнайди.  
Келинларга кун бермай,  
Ёмонликни ўйлайди.

Султон она мosh емас,  
Келинларин ёш демас.  
Улар гўзал бўлса ҳам,  
Асло қалам қош демас.

Үғиллари пастадир,  
Келинлари хастадир.  
Султон она осмонда,  
Күнгиллари ошдадир.

Султон она ош ейди,  
Келинлари тош ейди.  
Муросаю мадора,  
Күнмаса у бош ейди.

Қизларига меҳрибон,  
Күёвларга шараф-шон.  
Кунаро зиёфатдир,  
Келинларга қаттиқ нон.

Султон она сўймайди,  
Зугумини кўймайди.  
Келин бечоралар ҳеч,  
Қовоғини уймайди.

Пулни сақлар сандиқда,  
Келинлари андуҳда.  
Юз сўм сўраб қўйсалар,  
Дер у: «Пул йўқ, гап уқда».

Султон она саксонда,  
Саксон ёш шараф-шонда.  
Мақсади юзга кириш,  
Кўришайлик ўшанда.

## **ПУЛ ҲАҚИДА**

(Ҳазил)

Ишларимдан омад кетар,  
 Улфатларим боқмай ўтар.  
 Ўйлай-ўйлай бошим қотар,  
 Сен бўлмасанг ёнимда пул.

Хотин кетар уйи томон,  
 Холим бўлар жуда ёмон.  
 Бора-бора рангим сомон,  
 Сен бўлмасанг ёнимда пул.

Касал бўлсам доктор қочар,  
 Гўристонлар қучоқ очар.  
 Душманларим тупроқ сочар,  
 Сен бўлмасанг ёнимда пул.

Ариғимдан сувлар оқмас,  
 Ака-укам менга боқмас.  
 Сўзларим ҳеч кимга ёқмас,  
 Сен бўлмасанг ёнимда пул.

Чойхонада ўтирмайман,  
Ишларимни битирмайман.  
Қаймоққа қўл ботирмайман,  
Сен бўлмасанг ёнимда пул.

Бола-чақам ош емайди,  
Кенжатоим гўшт демайди,  
Қайнотам ҳам ғам емайди,  
Сен бўлмасанг ёнимда пул.


Остонадан ўтолмайман,  
Қиттак-қиттак отолмайман.  
Хотинни ҳам сўколмайман,  
Сен бўлмасанг ёнимда пул.

## ОҚГУЛ

Оқгул, Оқгул, оппоққинам,  
Дүндиққина, юмшоққинам,  
Оқ юзли ҳам соҳибжамол,  
Гоҳ ғамгин, гоҳ қувноққинам.

Оқгул, Оқгул, шириңгинам,  
Сенда йўқдир ҳеч бир гинам,  
Сени келин қиласман деб,  
Жони ҳалак онагинам.

Оқгул, Оқгул, оппоққинам,  
Гоҳ ғамгин, гоҳ қувноққинам.  
Сен давлатим, бойлигимсан,  
Оппоққина қаймоққинам.



## **СЕНГА ЁҚҚИМ КЕЛАДИ**

Шовуллаган анҳорингда оққим келади,  
Юзингга түйиб-түйиб боққим келади.  
Ойсан, гулсан, зебосан, менга ёқасан,  
Не қилай, мен ҳам сенга ёққим келади.

Ойсан, гулсан, зебосан - боққим келади,  
Томирингда қон бўлиб оққим келади.  
Бедаво кўнглим сен - гулзебога тушди,  
Кўксингда ишқ оловин ёққим келади.

Оқ олмани силкидим узоққа тушди,  
Ҳаёлларим қуш каби минг ёққа учди.  
Оқ олмани оқ билак ушлаб туради,  
Шу оқ олмадек жоним тузоққа тушди.

Осмонингда чақнаган қуёшинг бўлай,  
Тунларингда ёруғ юлдузинг бўлай.  
Жоним керак бўлса ёр, ханжарингни ол,  
Майли, розиман гўзал, қўлингда ўлай.

Не бўлса қилай, сенга ёққим келади,  
Юзингга түйиб-түйиб боққим келади.

## **ТОХИР АРМОНИ**

Сенга муносиб бўлолмадим,  
Кўнглингга йўл топаолмадим.  
Ўзим - Тоҳир, дардим оғир,  
Зуҳрога мос бўлолмадим.

Ўл дедилар ўлолмадим,  
Кул дедилар кулолмадим.  
Зуҳро қизга ошиқ бўлиб,  
Афсус, висолига етолмадим.

Дарёларда оқиб кетдим,  
Хон қизига ёқиб кетдим.  
Хон қизига кўнглим йўқдир,  
Зуҳро дея ўтиб кетдим.

Азобларга дучор бўлдим,  
Зуҳрога кўп интизор бўлдим.  
Қоработир деганларга,  
Шафқат билмас қаҳр бўлдим.

Зуҳрогулга қўнолмадим,  
Ёлғизликка қўнолмадим,  
Зуҳро юлдуз узоқ экан,  
Қўлим чўзиб етолмадим.

# **БОЙ ОТАНГГА ҚУЛ БҮЛАЙИН**

*(Хазил)*

Қўлингда мен гул бўлайин,  
Ёниб-ёниб қул бўлайин.  
Бир қиё боқсанг жоним мен,  
Бой отангга қул бўлайин!

Сенсиз дунё тор бўлди-ку,  
Сочинг қили дор бўлди-ку,  
Жамолингни бир кўришга,  
Ҳаридоринг зор бўлди-ку.

Меҳр кутиб дилим толди,  
Юрак тўла сўзим қолди.  
Мен ошиққа раҳм қилгин,  
Сен гўзалда кўнглим қолди.

Қўлингда мен гул бўлайин,  
Ёниб-ёниб қул бўлайин.  
Бир қиё боқсанг жоним, мен,  
Бой отангга қул бўлайин!

## **ҚИЗИЛ ҚҮЙЛАК**

(Халқ үйлида)

Қизил күйлак киясан,  
Юрагимни ёқасан.  
Ҳар замонда бир боқиб,  
Ипсиз боғлаб құясан.

Қизил күйлак киймагин,  
Юрагимни үймагин.  
Ёш күнглимин чүктириб,  
Уволимга қолмагин.

Қизил күйлак кимда бор,  
Гүзәл жонон сенда бор.  
Гүзәлларнинг гүзали  
Бүлай сенга ўзим ёр.

Қизил күйлак киясан,  
Юрагимни ёқасан,  
Ҳар замонда бир боқиб,  
Ипсиз боғлаб құясан.

## **КУТАМАН**

Гуллар очилса чаман,  
Мұхаббатни кутаман.  
Гар келмаса у гүзәл,  
Яна қонлар ютаман.  
Ёрга етар кун борми:  
Үшал дамни кутаман!

Билмай күнгил қўйибман,  
Бевафони севибман.  
Шу гўзалнинг ишқида,  
Тоғу тошлар кезибман.  
Ёрга етар кун борми?  
Үшал дамни кутаман!

Ёрни кутсам кўксимга,  
Тоғнинг тоши ботади.  
Ёр кўчасидан ўтсам,  
Отаси тош отади,  
Ёрга етар кун борми?  
Үшал дамни кутаман!

Ойга қараб бораман,  
Ёрга күнгил ёраман.  
Ул пари қиё боқмайды,  
Ишқида девонаман.  
Ёрга етар кун борми?  
Үшал дамни кутаман!

Мұхаббатга етмадим,  
Үзга ёрга кетмадим.  
Мұхаббатнинг боғида,  
Богбон бўлиб ўтмадим.  
Ёрга етар кун борми?  
Үшал дамни кутаман!

## **ГУЛ БОРМИ?**

Гул бормиё, гул борми?  
Тоққа ёққан қорми?  
Ёри ўлмаган ким бор,  
Ёлғизга ҳам кун борми?

Гул бормиё, гул борми?  
Мүмингина ёр борми?  
Бевафони севмагин,  
Үнда чин күнгил борми?

Гул бормиё, гул борми?  
Дарди йўқ бир дил борми?  
Гул ишқида куймаган,  
Оҳ, битта булбул борми?

## **КУЙГАНМАН**

(Хазил)

Бой қизини севганман,  
Камбағалман, суйғанман.  
Мен ғарыбга ким куяр,  
Бу ҳаётдан куйғанман.

Камбағалнинг бўзи бор,  
Вафосио қатъий сўзи бор.  
Камбағалга қиз бермас,  
Бой отанинг аҳди бор.

Бой қизини бермади,  
Ўзига тенг кўрмади.  
Қизи мени севса ҳам,  
Ота рози бўлмади.

Бир кўришда севганман,  
Камбағалман, суйғанман.  
Мен ғарыбга ким куяр,  
Бу ҳаётдан куйғанман.



## **ОҚ УЙИМ, ОППОҚ УЙИМ** *(Хазил)*

Оқ уйим, оппоқ уйим,  
Ёрсиз қоронғу уйим.  
Оқ уйимга келмади,  
Мен сүйган узун бўйим.

Узун бўйли ёргинам,  
Қўлимдадир торгинам.  
Сенга айтар сўзим бор,  
Қулоқ тутгин жонгинам.

Кеча-кундуз ўй бўлди,  
Ахир бир кун тўй бўлди.  
Узун бўйли ёргинам,  
Оқ уйимга ой бўлди.

## **МАЖНУНТОЛ**

Сой бўйида ўлтириб  
Сочларингни ёясан.  
Сочларингни ушласам,  
Нега сен ўёласан.

Сочларинг толим-толим,  
Сойнинг суви лиммо-лим.  
Сочларингни ўйнайди,  
Майин шаббодалар гўзалим.

Эй мажнунтол, мажнунтол,  
Гапларимга қулоқ сол.  
Мен кетяпман узоққа,  
Мажнунтолим яхши қол!

Нозик соҳибжамолим,  
Сочларинг толим-толим.  
Мени кутгин, келаман,  
Севгилим, мажнунтолим!

## **КЕРИК ҚИЗ**

Оқ ўрик, оппоқ ўрик,  
Бой қизи бирам керик.  
Үзи оқбилак ойим,  
Онаси ундан керик.

Бой қизин йўлин тўсдим,  
Ахир мен уни севдим.  
Севгимни изҳор қилиб  
Ўзим бир қарич ўсдим.

Оқ ўрик, оппоқ ўрик,  
Дардимга бўлгин шерик.  
Ўша керик қиз менга  
Бир умр бўлсин шерик.

## ТҮРТЛИКЛАР

Яхши раҳбар эл оғиздан тушмайди,  
Ранги рўйидан ҳам сира тушмайди,  
Порахўрнинг ишдан кетгани рост,  
Бил, соғ олма шоҳидан тушмайди.

\*\*\*

Ит қопди деб уни урма,  
Ит ит-да, ёнида турма.  
Ёмон одам ҳам ит, билсанг,  
Қўй "итга" ит бўлиб хурма.

\*\*\*

Бошимга қора кун тушганда чирогим, қизим,  
Ғам-аламларга қарши турган ярогим, қизим.  
Ётиб қолганимда бошимда парвона бўлар,  
Умр дарахтимдаги узилмас япрогим, қизим.

\*\*\*

Тўлин ойга ўхшайди юзинг,  
Ҳам қошинг, қорадир кўзинг.  
Хатто мен учун қадрлидир,  
Тупроқдаги оёқ изларинг.

\*\*\*

Оҳ, бир яхши аёлни учратсам дейман,  
Эл аро обрўйимни оширса дейман.  
Эй Худо ёмон хотинга йўлиқтиридинг-ку!  
Шу сабаб, дунё тор, ич-этимни ейман.



\*\*\*

Ғам-аламдан камбағалнинг боши чиқмайди,  
Йиглайвериб кўзларидан ёши чиқмайди.  
Неча ойлар бўлди, қозони сувда унинг,  
Берай деса қўшнисига оши пишмайди.

\*\*\*

Таъначининг ёғидан, дўстимнинг таёғи яхши,  
Кўчадаги гўзалдан, ёримнинг бўёғи яхши.  
Яхшиликни пулга сотган бойнинг оппоқ нонидан,  
Ҳалол, беминнат қора нонимнинг увоғи яхши.

\*\*\*

Бахил саҳий бўлмаган,  
Бироғга яхшилик қилмаган.  
Бу жаҳолат тўла дунёда,  
Яхши одам бахтли бўлмаган.

\*\*\*

Илон кундуз юролмайди,  
Ўғри тўғри бўлолмайди.  
Зиқна, баҳил, очкўз кимса,  
Инсонга дўст бўлолмайди.

## МУНДАРИЖА

1. Она согиниб кутади.....	3
2. Умр ўтмоқда.....	3
3. Отам хотирасига.....	4
4. Яхшилар.....	5
5. Эй, гумроҳ! .....	6
6. Маккора аёл.....	7
7. Имони йўқ одамлар.....	8
8. Ёмон билан юрсанг.....	9
9. Фарзандсизлик ҳаммадан ёмон.....	10
10. Тозагулжон йигилма.....	12
11. Қайнона.....	13
12. Пул ҳақида.....	15
13. Оқгул.....	17
14. Сенга ёқким келади.....	18
15. Тоҳир армони.....	19
16. Бой отангга қул бўлайин.....	20
17. Қизил кўйлак.....	21
18. Кутаман.....	22
19. Гул борми.....	24
20. Куйганман.....	25
21. Оқ уйим, оппоқ уйим.....	26
22. Мажнунтол.....	27
23. Керик қиз.....	28
24. Тўртликлар.....	29

Отам хотирасига. Шеърлар, тўртликлар.  
«Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ. 2008 йил.

Муҳаррир:	Ф. Ибайдуллаев.
Тех. муҳаррир:	М. Мирзакаримова.
Мусаввир:	С. Жўраева.
Мусаҳҳих:	Н. Юлдашева.
Саҳифаловчи:	Д. Бозорбоев.

Теришга 20.04.2008 йилда берилди. Босишга 11. 07. 2008  
йилда топширилди. Бичими 70x108 1/32. 1,0 босма тобоқ. «Panda  
Bukvar UZ» гарнитураси. Буюртма № 001596. Тиражи 500.

Босмахона манзили: Андижон шаҳри,  
Навоий шоҳкӯчаси, 71-уй.